“Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида **12** минг фуқарога, шундан, уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати **2,3** минг, кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати **1,5** минг, тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати **2** минг, уй шароитида қараб туриш хизмати **6,2** минг фуқарога кўрсатилди

Амалга оширилган ишлар натижасида 2025 йилда:

1. Реестрга киритилган **761** минг оиладан (**3,2** млн аҳоли) **472** минги (**62%**) шу кунга қадар даромади ошиб, камбағалликдан чиқарилди (киришда даромади бўлмаган **180** минг оилага пул киришни бошлади).
2. Реестрга кирган оилаларнинг даромади ўртача **2** баробарга (**251,7** мингдан **508,4** минг сўмга) ошди.
3. даромади жон бошига **300** минг сўмдан паст оилалар сони камайиб, **161** минг оилани ташкил этди (**53%**) *(1 май — 420 минг).*
4. даромади бўлмаган оилалар **3,8** маротаба камайиб, **61** мингни (**26%**) ташкил этди *(1 май — 233 минг).*



Рақамлаштириш натижасида вазирлик ва идоралардан электрон олинадиган маълумотлар сони


85 тага етказилди.

НАФАҚА ВА ИЖТИМОИЙ ТЎЛОВЛАР

2025 йил давомида Агентлик томонидан жами

14,1 трлн сўмлик

ижтимоий тўловлар амалга оширилди.



Т/р		2024 йил		2025 йил	
		Сони *(минг)*	Суммаси *(млрд.сўм)*	Сони *(минг)*	Суммаси *(млрд.сўм)*
1	Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси	1 225,9	7 176,7	646,1	4 073,7
2	Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам	43,9	202,6	25,0	122,3
3	Ёшга доир нафақа	84,6	691,8	88,7	851,3
4	Ногиронлик нафақаси	307,7	3 113,3	314,8	3 795,4
5	Боқувчисини йўқотганлик нафақаси	55,9	543,6	56,7	658,8
6	Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар нафақаси	167,1	1 744,8	169,9	2 035,0
7	Парваришлаш нафақаси	74,6	593,0	73,9	710,5
8	Якка ёлғизларга моддий ёрдам	6,7	34,2	7,7	63,1
9	Уй-жой коммунал хизматлари учун компенсация	4,8	0,9	5,0	12,4
10	Бола туғилганда бериладиган нафақа	437,5	311,8	242,3	205,5
11	Дафн маросими нафақаси	155,1	241,6	162,3	290,9
12	ЖИЭМдан озод қилинган шахсларга моддий ёрдам	0,0	0,0	6,0	14,6
13	Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси	15,7	38,2	12,3	32,8
14	Энергия тарифлари учун компенсация	13,0	0,5	151,5	64,5
15	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам	34,4	17,9	9,7	4,9
16	Оилавий болалар уйи ва болаларни оилага тарбияга олган тутинган ота-оналарга моддий ёрдам	0,0	0,0	1,5	30,5
17	Энергия тарифлари ошиши муносабати билан куз-қиш мавсумида бир марталик моддий ёрдам	1 073,8	289,9	1 161,5	1 161,5
	ЖАМИ	**3 700,6**	**15 000,9**	**3 134,9**	**14 127,6**

Ижтимоий тўловлар ҳажмининг камайишига камбағаллик даражасининг пасайиши, нафақалар манзиллилиги ошиши ва оилалар учун барқарор даромад манбалари яратилиши каби ижобий омиллар таъсир қилган.

Кам таъминланган оилалардаги ҳар бир болага тўғри келадиган нафақа суммаси **10 фоиз**га ошган бўлса (1 болага ўртача – 214 минг сўм, 2024 йилда – 193 минг сўм) бошқа турдаги нафақалар тўланиши **28 фоиз**га ошди (2025 йилда 10,1 трлн, 2024 йилда 7,8 трлн).

“Инсон марказлари” орқали қуйидаги нафақаларни тўлаш йўлга қўйилди:

- ***2025 йил 1 январдан*** ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси (хусусий секторда банд бўлган аёллар учун)
- ***2025 йил 1 августдан*** жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга моддий ёрдам (**6**×БҲМ)
- ***2025 йил 1 июндан*** Оилавий болалар уйи ва болаларни оилага тарбияга олган тутинган ота-оналарга моддий ёрдам
- Куз-қиш мавсумида **1,2** миллион эҳтиёжманд оилага **1,2** трлн сўм компенсациялар ва моддий ёрдам тўлаб берилди

Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси тайинлаш учун ариза бериш имкониятлари **1** тадан **5** тага кенгайтирилди

- my.gov (электрон)
- ижтимоий ходим
- маҳалла раиси
- давлат хизмати маркази
- Агентликнинг ишонч телефони (**1140**) ариза орқали

99 фоиз

оилалар (ойига ўртача **300** минг оила) болалар нафақаси учун аризаларни онлайн тарзда топширган

Оилаларнинг ишсиз аъзосидан расмий бандлик талаб этмасдан **6** ойгача нафақа тайинлаш амалиётининг жорий этилиши ҳисобига **115** минг эҳтиёжманд оилалар болалар нафақаси тўлаб берилди

Оила аъзолари расмий даромад олишни бошлаганда дастлабки **6** ой уларга нафақа тўлашни давом эттириш амалиёти йўлга қўйилиб, **30** мингта оила **6** ой давомида қўшимча қўллаб-қувватланди

Шунингдек, руҳий касаллиги мавжуд фуқаролардан бандликни талаб этмаслик амалиётининг жорий этилиши ҳамда фуқароларнинг чет элда озодликдан маҳрум этилганлигини қайд этиш орқали **30** минг эҳтиёжманд оилага давлатнинг моддий кўмаги етиб боришни бошлади

Расмий никоҳи бекор қилинмаган бўлса-да амалда турмуш ўртоғи билан бирга яшамаётган **20** мингга яқин кўмакка муҳтож ёлғиз аёлларга болалар нафақасини тўлаш йўлга қўйилди

Энергия ресурслари тарифлари ислоҳоти давомида 2024-2025 йилги иситиш мавсумида **1,1** млн оилага жами **290,3** млрд сўм, 2025-2026 йилги иситиш мавсуми учун эса **1,1** млн оилага жами **1,2** трлн сўм бир марталик моддий ёрдам тўлаб берилди



2024-2025 йилги иситиш мавсумида ҳамда 2025-йилнинг қолган ойларда 562,0 мингдан ортиқ оилаларга

65,0 млрд сўм

миқдорида компенсация тўловлари тўлаб берилди

Нафақа ва моддий ёрдам тўлаш учун ҳар 6 ойда ариза олиш тартиби бекор қилинди

550 минг

оилага нафақа узилишларсиз тўлаб берилди

Энергия ислоҳотлари бўйича тўловлар, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳамда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ахборот модуллари ишлаб чиқилди

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга бир марталик нафақа тайинлаш учун мурожаат қилиш ва тўлаш тартиби рақамлаштирилди. 2025 йилда

5,9 минг нафар шахсга нафақа тайинланди

Кўриш қобилияти бўйича I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳар ойлик компенсация пул тўловларини проактив шаклда тайинлаш жорий қилинди. Жами компенсация олувчилар сони

5,2 минг нафар шахсни ташкил қилди

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларга уй-жойида **артезиан қудуқ қазиш, сув насосларини ўрнатиш** ҳамда **ичимлик сув фильтрларини харид қилиш** харажатларини қоплаш учун **субсидия ажратиш** йўлга қўйилди

2025 йил январь ойидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация тўловининг **“Ягона миллий ижтимоий ҳимоя”** ахборот тизими орқали тайинлаш ва тўлаш жорий қилинди

СИФАТЛИ ОВҚАТЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Агентликнинг тизим ташкилотларида қўшимча ва ёрдамчи функцияларни, шу жумладан соғлом овқатлантириш хизматларини аутсорсинг асосида ташкил этишнинг янги тизими жорий этилди

Агентлик тизимидаги

238 та ташкилот учун

1 та ягона тартиб,

ягона талаблар ва мониторинг механизми белгиланди

Янги механизм доирасида илгари ягона электрон майдон орқали масофавий кузатиш имконияти рақамлаштирилмоқда

Шартнома ижросини кузатиш, таомнома, технологик карталар, маҳсулотлар сифати, бракераж ва кунлик синамалар бўйича маълумотларни қамраб олувчи ахборот тизими ишлаб чиқилди. Мазкур тизим орқали овқатлантириш жараёнларини масофадан рақамли мониторинг қилиш имконияти яратилди


“Таомларни тайёрлаш технологияси бўйича тавсиявий методик қўлланма”ни ишлаб чиқиш ишлари йўлга қўйилди. Мазкур қўлланма доирасида **250 тур**даги таомлар **6 хил** ёш тоифаси кесимида ишлаб чиқилиши белгиланди.

Бунда ҳар бир таом бўйича маҳсулотлар сарфи, оқсил, ёғ, углеводлар ва энергетик қиймат, шунингдек минерал моддалар кўрсаткичлари алоҳида ҳисоб-китоб қилинади.

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ИШЛАШ

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя соҳасидаги амалга оширилган ислоҳотлар, мавжуд ижтимоий хизмат ва ёрдамлар юзасидан маълумотлар телевидение, радио, босма ва онлайн оммавий ахборот воситалар орқали мунтазам тақдим этилди

Жами эълон қилинган материаллар



540 та
телевидение

220 та
радио эшиттиришлар

Аудитория қамрови
34 млн

4 696 та
онлайн интернет нашрлар

170 та
босма нашрлар

Телелойиҳалар

Миллий телеканаллар билан ҳамкорликда “Янги ижтимоий ҳимоя: Инсондан — инсонгача”, “Инсон меҳри” ва “Аёл матонати” телелойиҳалари амалга оширилди.

“Янги ижтимоий ҳимоя: Инсондан — инсонгача” телелойиҳаси орқали Президент ташаббуси билан амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя ислоҳотлари ва уларнинг инсонлар ҳаётига таъсири реал тақдирлар мисолида ёритилди.

“Инсон меҳри” телелойиҳасида деинституционализация ислоҳоти, болаларнинг оила муҳитида тарбияланиши ва меҳрибонлик уйлари тизимини трансформация қилиш ғоялари тарғиб қилинди.

“Аёл матонати” телелойиҳаси эса тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларнинг ҳаёт йўли ва муваффақиятлари ҳақидаги реал ҳикоялар орқали жамиятдаги стереотипларни камайтириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Фильмлар ва уларнинг таъсири

Коммуникация ишлари ижтимоий ҳимоя соҳасини **инсон ҳикоялари** орқали жамоатчилик билан мулоқот қилувчи очиқ платформалардан бирига айлантирди. Ногиронлик, етимлик, болалар ҳуқуқлари ва зўравонлик мавзуларига оид муносабатни ўзгартириш, инклюзив ва бағрикенг жамиятни шакллантиришга қаратилган **фильмлар, медиа маҳсулотлар ва PR-кампаниялар** амалга оширилди.

“Шамсиқамар”, “Парда”, “Инсон”, “Ҳаққим бор” фильмлари, “Мени эшитинг” ва “Чидама” PR-кампаниялари, шунингдек “**2** йил — **2** миллион тақдир”, “Қизимга”, “NASP Talks” медиа лойиҳалари орқали инклюзивлик, инсон қадри, болалар ҳуқуқлари ва зўравонликка қарши **муросасиз муносабат ғоялари** кенг тарғиб қилинди.

Шаҳноза Мирзиёева ташаббуси асосида суратга олинган **“Ҳаққим бор”** қисқа метражли фильми болаларга нисбатан зўравонлик ва бепарволик мавзусини кўтариб, жамиятни ҳар бир боланинг овозини эшитишга чақирди. Фильм **Epica Awards, Red Jolbors, Spikes Asia, One Show, Baku Flames** ва **D&AD** халқаро фестивалларида мукофотларга сазовор бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга коммуникация соҳасидаги ёндашувларнинг **халқаро даражада эътироф этилганини** намоён қилди.





Кинематография агентлиги билан ҳамкорликда **“Шамсиқамар”** бадиий фильми ҳамда **“Тайлоқ тажрибаси”, “Она симфонияси”, “Ҳамроҳ”, “Ўз чироғини ёққан одам”** ҳужжатли фильмлари яратилди.

“Инсон” фильмининг биринчи қисми ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёти ва ютуқларига, иккинчи қисми эса етим болаларнинг орзу-интилишлари ва қийинчиликларига бағишланиб, жамиятда меҳр, қабул қилиш ва қўллаб-қувватлаш ғояларини тарғиб қилди.

“Парда” фильми Даун синдромли фарзандларни тарбиялаётган оналар матонати ва инклюзив жамият ғоясини ёритди.

PR-кампаниялар

Жамиятдаги ижтимоий нормаларни ўзгартириш ва оғриқли мавзуларга жамоатчилик эътиборини қаратиш мақсадида “Мени эшитинг” ва “Чидама” PR-кампаниялари амалга оширилди.

“Мени эшитинг” кампанияси болаларга ўз дарди ва кечинмаларини жамиятга етказиш имконини берди ҳамда болаларга нисбатан зўравонлик ва руҳий босим муаммосига кенг жамоатчилик эътиборини қаратди.

“Чидама” кампанияси орқали хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши муросасиз муносабатни шакллантириш, жабрланганларни қўллаб-қувватлаш ҳамда жамиятдаги салбий стереотипларни камайтириш мақсад қилинди.





Медиа лойиҳалар

Агентлик томонидан “**2** йил — **2** миллион тақдир”, “Қизимга” ва “NASP Talks” каби медиа лойиҳалар амалга оширилди.

“2 йил — 2 миллион тақдир” лойиҳаси орқали ижтимоий ҳимоя тизими ёрдамида ҳаёти ўзгарган инсонларнинг реал ҳикоялари кенг жамоатчиликка етказилди.



“Қизимга” медиа лойиҳаси қизларнинг орзу-интилишлари ва жамиятдаги ўрнига бағишланди ҳамда Red Jolbors ва TAF халқаро фестивалида олтин мукофоти билан тақдирланди.



“NASP Talks” платформаси экспертлар, мутахассислар ва жамоатчиликни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги долзарб мавзулар атрофида бирлаштирган очиқ мулоқот майдонига айланди.



Жамоатчилик билан ишлаш

- Аҳоли билан очиқ мулоқотни кучайтириш мақсадида **“Инсон — инсонга кўмакчи”** семинар ва коучинглари ташкил этилди. Ушбу ташаббуслар доирасида **100 минг нафар**дан ортиқ фуқаро қамраб олинди
- Шунингдек, ҳар чоракда жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида сўровномалар ўтказилиб, аҳоли таклиф ва фикрлари асосида коммуникация ёндашувлари ва хизматлар сифати такомиллаштириб борилди.
- Амалга оширилган коммуникация ишлари орқали Агентлик нафақат аҳолини хабардор қилди, балки жамиятда меҳр, қабул қилиш, инклюзивлик ва инсон қадрини **устувор қадрият** сифатида шакллантиришга хизмат қилди.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ВА ВОЛОНТЁРЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Давлат ижтимоий буюртмалари асосида ногиронлиги бўлган шахслар бандлиги, ***инклюзив таълим, кексалар ва аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар*** *амалга оширилди.*



Тошкент ва Жиззах вилоятларида ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаш учун **840** млн сўм ажратилиб, **352** нафар фуқаро иш билан таъминланди



Каттақўрғон шаҳрида кўзи ожиз шахслар бандлигини таъминлаш мақсадида **550** млн сўм йўналтирилиб, **50** нафар фуқаро иш ўрнига эга бўлди.



Бухоро вилоятида зўравонликдан жабрланган аёлларни қўллаб-қувватлаш учун **200** млн сўмлик ижтимоий буюртма ажратилиб, **179** нафар аёл вақтинча бошпана билан таъминланди ва **175** нафарига ижтимоий хизматлар кўрсатилди



“Ана уйи” лойиҳасининг Бухоро, Андижон, Чирчиқ, Қувасой ва Нукусда янги филиаллари очилиб, **131** нафар она ва **144** нафар болага ёрдам кўрсатилди. Ҳозирда **180** нафар аёл ва **210** нафар бола қўллаб-қувватланмоқда



Самарқанд шаҳрида IT-технологиялар бўйича ўқув курсларини ташкиллаштиришга **1,7** млрд сўм ажратилиб, **453** нафар ёшлар ўқитилди



Хоразм вилоятида инклюзив таълим хизматлари учун **453** млн сўм йўналтирилиб, **565** нафар **имконияти чекланган болалар**га касб-ҳунар ўргатилди



Тошкент шаҳрида кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун **300,4** млн сўм ажратилиб, ўзгалар парваришига муҳтож шахслар учун **доимий тўгараклар ташкил этилди**

Шунингдек, **“Энг яхши ижтимоий лойиҳа”** республика танлови ўтказилиб, 933 млн сўм маблағ **“Инсон учун”** платформасига йўналтирилиб, 42 нафар болада юқори технологияли **жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.**

2025 йилда “Инсон волонтёрлари” лойиҳаси 28 та туманда жорий қилиниб, 440 нафар волонтёр ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексалар ва парваришга муҳтож инсонларга ҳамроҳлик қилиш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва ижтимоий хизматлардан фойдаланишда кўмак бермоқда.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Агентлик томонидан ижтимоий ҳимоя соҳасида хорижий давлат идоралари, халқаро ташкилотлар ва илмий-тадқиқот институтлари билан халқаро ҳамкорлик кенгайтирилди.

16 та лойиҳадан иборат инвестиция портфели шакллантирилди, умумий қиймати **113,1 млн.** АҚШ долларни, шулардан **15 та** грант лойиҳа **13,1 млн.** АҚШ долларни ташкил этди

5 та халқаро ташаббусга аъзолик

14 та меморандум ва келишув

10 та йўл харита ва протокол имзоланди

шулардан **9 та**си **2025 йил**да тузилган.

Богота ҳаракатга чақирув, Pathfinding 2.0, 16 кунлик зўравонликка қарши ҳаракати, Глобал BodyRight кампанияси, ҳамда Болаларни парвариш қилиш ислоҳоти бўйича глобал хартия бутунжаҳон ташаббусларида иштирок этилди ҳамда **Ижтимоий таъминот халқаро ассоциациясига (ISSA)** аъзо бўлинди.

Жанубий Корея, Германия, Грузия, Россия, Финляндия ва Япония давлатларидан реабилитация, сунъий интеллект, ижтимоий уй-жой, гендер зўравонлик, прогрессив патронаж ҳамда ижтимоий ходимлар малакасини ошириш йўналишларида **20 тадан ортиқ** хорижий **мутахассислар жалб қилинди.**



6 та халқаро тадбир **БМТ, ОТБ, GIZ, Жаҳон банки** ва бошқа ташкилотлар билан Тошкент, Наманган ва Доҳа шаҳарларида *болаларга нисбатан зўравонликка қарши кураш, ижтимоий суғурта, ижтимоий хизматлар ва камбағалликни қисқартириш* бўйича ўтказилди

“ЎЗБЕКИСТОН – ОЧИҚ ЭШИКЛАР МАМЛАКАТИ”

Доҳа шаҳрида “**Ўзбекистон – очиқ эшиклар мамлакати”** номли кўргазма ташкил этилди. Унда Ўзбекистонда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар халқаро ҳамжамиятга визуал тарзда намоён этилди. Кўргазма билан **1 мингга яқин** ташриф буюрувчи танишди.

Кўргазмада очиқлик ва инсон қадрини улуғлаш тамойиллари эшик инсталляциялари ва дисплейлар орқали жамиятнинг инклюзивлиги, сифатли таълимни ривожлантириш, муносиб меҳнат шароитлари ва қулай муҳитни яратиш, ногиронлиги бўлган шахслар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш масалалари ҳамда соғлиқни сақлаш ва спорт соҳасидаги ислоҳотлар ва трансформация натижалари ёритилди.

Ўзбекистон миллий павильони халқаро ҳамжамиятнинг катта қизиқишига сазовор бўлиб, халқаро майдонда кенг эътироф этилди.

Павильон фаолияти ҳақида миллий оммавий ахборот воситаларида 150 дан ортиқ, халқаро нашрларда эса қарийб 30 та материал эълон қилинди. Жумладан, «Euronews», «The London Post», «The Peninsula (Qatar)», «Gulf Times», «Asia Times», «Central Asia News», «Q8 Press», «Kursiv» ва «Kazinform» каби нуфузли халқаро ОАВларда Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ислоҳотлари ва миллий павильони кенг ёритилди.



150+
миллий ОАВ материаллари

30+
халқаро ОАВ материаллари

10+
телевизион лавҳа ва сюжетлар

3500+
қамров



Ўзбекистоннинг миллий стенди — “Ўзбекистон - Очиқ эшиклар мамлакати” — 2-Умумжаҳон ижтимоий ривожланиш саммитининг марказида бўлди.

Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний
Қатар Давлати Амири

«Павильонда намойиш этилган ислоҳотлар ва эришилган натижалар катта таассурот қолдиради. Ўзбекистоннинг ижтимоий соҳадаги кенг кўламли ўзгаришлари алоҳида эътирофга лойиқ».

РАҚАМЛАШТИРИШ



Ижтимоий хизматлар сифати,шаффофлигини ва қамровини ошириш учун **миллий стандартлар жорий этилди**

22 та ижтимоий хизматлар бўйича миллий стандартлар ишлаб чиқилиб, **экспертизадан ўтказилди ва давлат рўйхатига олинди**

Натижада, **624 та** давлат ижтимоий хизмат ташкилоти, **518 та** тадбиркорлик субъекти, **274 та** давлат органи ва **1 220 дан** ортиқ ННТ фаолияти ягона қоидалар асосида тизимлаштирилди

“Ижтимоий ишда супервизия” илмий методик қўлланмаси халқаро нашриётда расман чоп этилди

Ижтимоий хизмат ва ёрдам турларидан фойдаланиш бўйича **CRM модули** ишга туширилди

6,8 миллионта мурожаат

5,5 миллион ариза қабул қилинди

Шунингдек, Колл-марказ орқали

5,5 миллион

фуқарога хизмат кўрсатилди

1070 қисқа рақами
24/7 режимида иш фаолияти йўлга қўйилди

132 минг
фуқарога хизмат кўрсатилди

TASK

Ижтимоий ходимларга топшириқ йўналтириш бўйича "Таск" механизмини ишга туширилди

5,3 мингта

топшириқ яратилди, шундан

- **4,5 минг**таси ариза олиниб,
- **1,8 минг**тасига хизмат кўрсатилди

Телеграм @IHMA_1140_bot, Instagram, Facebook ва Ihma.uz платформалари орқали фуқаролар билан онлайн хизмат йўлга қўйилди

www.ihma.uz

Жами **122,6 минг** фуқарога хизмат кўрсатилди.
Шулардан **1 156 нафарга "Сурдо" хизмати**, яна **2 минг** нафарга **ижтимоий тўловлар ва зўравонликдан ҳимоя бўйича онлайн юридик** ҳамда **психологик** ёрдам кўрсатилди

"Инсон учун" платформаси жорий қилиниб, унга жами **17,8 млрд сўм** хайрия маблағлари йиғилди. Ушбу маблағлар ҳисобига **500 нафар**га яқин оғир вазиятдаги **оилаларга кейс очилиб**, амалий ёрдамлар кўрсатилди

ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИ

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ ЛАБОРАТОРИЯСИ (ISLAB)

Лаборатория университетлар, халқаро фикр марказлари, экспертлар ва ёш тадқиқотчилар билан ҳамкорликда Марказий Осиё ва ундан ташқарида тан олинган **тадқиқот экотизимини** шакллантирди

Асосий кўрсаткичлар

37 та тадқиқот лойиҳаси

27 та якунланган лойиҳа

8 та фаол лойиҳа

2 та тайёргарлик босқичидаги лойиҳа

50 дан зиёд ахборот маҳсулотлари тайёрланди

Илмий ишларнинг **31 та** маҳсулоти кенг жамоатчилик учун,

14 та маҳсулотлар эса ички фойдаланиш учун мўлжалланган

Ижтимоий сиёсат лабораториясининг **socialpolicylab.uz** веб-сайти, Telegram канали (**1110** обуначи) ва LinkedIn саҳифасида (**2210** обуначи) янгиликлар, блоглар ҳамда тадқиқот натижалари мунтазам эълон қилиб борилмокда

6 та халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик:

unicef har bir bola uchun
THE WORLD BANK
giz Deutsche Gesellschaft für Internationale Zusammenarbeit (GIZ) GmbH
ADB ASIAN DEVELOPMENT BANK
AFD AGENCE FRANÇAISE DE DÉVELOPPEMENT
UNDP

Тадқиқот портфели

ISLAB томонидан ногиронлиги бўлган ёшларнинг меҳнат бозоридаги тўсиқлари, инклюзив таълимдаги муаммолар ва ногиронлиги бўлган болалар учун зарур товар ҳамда хизматлар таҳлил қилинди. Миллий даражада ногиронлик ҳолати бўйича таҳлилий dashboard ва даврий ҳисоботлар ишлаб чиқилмоқда

Илк бор гендерга асосланган зўравонлик ҳолатлари миллий даражада таҳлил қилиниб, ижтимоий хизматлардан фойдаланишдаги муаммолар, жамият муносабати ва ёшларнинг болаларга нисбатан зўравонликка қарашлари ўрганилди

Ижтимоий етимлик сабаблари, хориждаги меҳнат миграциясининг болаларга таъсири ҳамда хавф остидаги аҳоли гуруҳларининг муаммолари бўйича таҳлиллар олиб борилди

Оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилган тадқиқотлар:

DARYO

камбағаллик ва ўрта синф, таълим билан боғлиқлик, аёлларга нисбатан зўравонлик мавзуларидаги материаллар

gazeta

оила ҳажми ва фаровонлик, зўравонлик мавзуларидаги материаллар жойлаштирилди

Шунингдек, Sigma подкаст билан ҳамкорликда YouTube платформасида қуйидаги мавзуларда 4 та подкаст тайёрланди:



- ижтимоий ҳимояга оид тадқиқотлар
- камбағаллик қандай ўлчанади
- Ўзбекистонда иқтисодий тенгсизлик ва болаларга нисбатан зўравонлик
- ногиронлиги бўлган болаларнинг инклюзивлик харажатлари

ҲАМЖАМИЯТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ИЖТИМОИЙ ФАРОВОНЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

- **Марказнинг асосий мақсади** Ўзбекистонда профессионал ижтимоий иш тизимини ривожлантириш, халқаро стандартларга асосланган таълим, қайта тайёрлаш, супервизия ва далилларга асосланган амалиётларни жорий этишдан иборат

- Марказ томонидан ижтимоий ҳимоя ва руҳий саломатлик соҳасида 5 та далилларга асосланган **интервенция мослаштирилмоқда. “Меҳрли оила”, “Профессионал қабул қилувчи оила модели”** ва зўравонликка учраган болалар билан ишлаш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилди

- **W.I.N.G.S.** дастури Тошкент шаҳри, Хоразм, Навоий ва Андижон вилоятларида пилот тарзда амалга оширилиб, унда **4 та ҳамкор** ташкилот, **28 нафар** фасилитатор ва **4 нафар** тренер иштирок этмоқда

- Кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида 19 та олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ижтимоий иш йўналишидаги 21 та таълим дастури халқаро стандартлар асосида такомиллаштирилмоқда

- Марказ томонидан ижтимоий ҳимоя тизими мутахассислари учун супервизия, қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурлари ташкил этилди. Клиник супервизия доирасида 105 та кейс таҳлил қилинди, 85 нафар мутахассис қамраб олинди. Қайта тайёрлаш дастурларида 100 нафар мутахассис 576 соатлик ўқув курсларига жалб қилинди

- Ижтимоий хавфли вазиятдаги болалар ва уларнинг оилалари билан ишлаш бўйича **90 нафар мутахассис** ва **24 нафар ТОТ тренер** тайёрланиб, **14 та ҳудудда 1 000 нафардан** ортиқ тингловчи қамраб олинди

- Марказ волонтёрлик экотизимини ҳам ривожлантириб бормоқда. “Хавфсиз болалик” лойиҳаси доирасида 1 165 нафар боланинг хабардорлиги оширилди. “Камбағаллик циклини тўхтатамиз” лойиҳаси доирасида муҳтож оилалар фарзандлари учун математика, инглиз тили ва молиявий саводхонлик бўйича машғулотлар ташкил этилди ҳамда “Finovo” иловаси ишлаб чиқилди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ

“E-learning” онлайн таълим платформаси ишга туширилиб, унда **32 та** онлайн ўқув курслари жойлаштирилди ва фойдаланувчилар сони **30 минг**дан ортди

Онлайн платформада

14 мингдан ортиқ

ходимлар малакаси оширилди

“Маҳаллада комплекс хизмат кўрсатувчи ижтимоий ходимлар ўқув курси”нинг **11 та** модулини ишга тушириш орқали уларда **8,8 минг**дан ортиқ ижтимоий ходим қамраб олиниб, муваффақиятли якунлаганлар сертификатга эга бўлди

290 та офлайн тренинглар ташкил этилиб, уларга **26 минг**дан ортиқ ходимлар жалб этилди

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда **14 минг нафар** мутахассислар малакаси оширилди

“ariza.istc.uz” пуллик хизматлар асосидаги ўқув курсларида иштирок этиш истагини билдирган фуқаролар учун ҳамда маҳаллалардаги **12 минг**дан ортиқ ижтимоий соҳа муассасалари тўғрисидаги маълумотларни ягона тизим асосида тақдим этувчи ахборот платформалари ишга туширилди

Профессионал “ToT” тренерлар тайёрлаш

Тизим ходимлари орасидан **86 нафар** тренерлар базаси шакллантирилди, улар **UNICEF, UNFPA, GIZ** ҳамда **UNDP** билан ҳамкорликда тренерлик курсларида ўқитилди

8,5 мингдан ортиқ ижтимоий ходимлар, **186 нафар, 272 нафар** психологлар малакаси оширилди

Кадрлар салоҳиятини ошириш ва ўқув дастурларини рақамлаштириш

- 2025 йилда ижтимоий ҳимоя тизимида кадрлар салоҳиятини ошириш ва хусусий секторни хизматлар кўрсатишга тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари кенгайтирилди

- Фарзандликка олувчилар ва тутинган ота-оналарни тайёрлаш, профессионал оила, кундузги парвариш, “Фаол ҳаётга қадам” ва бошқа йўналишларда **10 та** ўқув курси ишга туширилди. Уларда **15 минг**дан ортиқ фуқаро ва хусусий сектор вакиллари қамраб олинди

- Шунингдек, ижтимоий хизматларни маҳалла даражасида ташкил этиш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, психоижтимоий ёрдам кўрсатиш ва комплекс хизматлар бўйича тизим ходимлари учун малака ошириш курслари ташкил этилди. Ушбу ўқувлар орқали 30 мингдан ортиқ ижтимоий ҳимоя тизими ходимлари қамраб олинди

- Alpha Education билан ҳамкорликда Агентлик марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари раҳбарлари учун “Замонавий раҳбарлар академияси” малака ошириш курслари ташкил этилди

  Халқаро ҳамкорлик доирасида The International Training Centre билан ҳамкорликда Италиянинг Турин шаҳрида “Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ходимлари салоҳиятини ошириш” мавзусида халқаро тренинг ташкил этилди

- Унда 72 нафар тизим ходими иштирок этиб, халқаро илғор тажрибаларни миллий ижтимоий ҳимоя тизимига жорий этиш бўйича билим ва кўникмаларини оширди



ИЖТИМОИЙ ИНСПЕКЦИЯ

2025 йилда Ижтимоий инспекция фаолияти доирасида вояга етмаганлар бўйича **171 та** назорат тадбири ўтказилиб, **59 665 та** қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Натижада **3 185 нафар** болага васий ва ҳомий белгиланди, **91 та** интизомий чора қўлланилди

Катта ёшдагиларга ижтимоий хизматлар соҳасида **77 500 та** қонунбузилиш ҳолатларини аниқланиб, **983 нафар** фуқарога зарур ижтимоий хизматлар кўрсатилди ва **1 384 та** ижтимоий ёрдам турлари тақдим этилди

Ногиронликни белгилаш соҳасида **60 395 нафар** шахснинг ҳужжатлари ўрганилиб, **26 066 та** хато ва камчилик аниқланди. Текширувлар натижасида **1 216 та** ногиронлик иши қайта кўриб чиқилиб, **6,8 млрд сўм** бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланиши олди олинди. Шунингдек, **571 та** сохта ҳужжат ҳолати прокуратурага юборилди



Камбағалликни қисқартириш соҳасида **67 062 та** оила ўрганилиб, **84 978 та** қонунбузилиш аниқланди. Натижада **923 нафар** фуқаронинг муаммоси жойида ҳал қилиниб, **154 нафар** масъул шахс интизомий жавобгарликка тортилди

“INTERNATIONAL INCLUSIVE HUB” ХАЛҚАРО ТАЯНЧ ИНКЛЮЗИВ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

- *“**International inclusive hub**” халқаро таянч инклюзив профессионал таълим марказининг асосий фаолияти **имконияти чекланган ёшлар учун инклюзив таълим муҳитини яратиш**, уларни **касб-ҳунарга ўқитиш, жамиятга интеграция қилиш** ҳамда **меҳнат бозорида рақобатбардош** кадр сифатида тайёрлашдан иборат*
- *Ҳозирги кунга қадар марказда **17 дан** ортиқ йўналиш бўйича жами **962 нафар** ўқувчи таълим олган*
- *2025/2026 ўқув йилида **17 та** йўналиш бўйича **483 нафар** ўқувчининг **52 фоиз**ини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади. Таълим олувчиларнинг **61 фоиз**и хотин-қизлардан иборат*
- *Марказ томонидан ташкил этилган **“Имкониятлар олимпиадаси”** республика миқёсида ўтказилиб, унда **250 нафар** иштирокчи қамраб олинган*



- *Марказ халқаро лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, **“UPSHIFT”** дастури доирасида **84 нафар** ёш қисқа муддатли курсларда ўқитилиб, **49 нафар** иштирокчи **10 та** жамоага бирлаштирилди ва **6 та** инновацион лойиҳа пилот босқичига чиқди. Шунингдек, **UNDP** билан ҳамкорликда **90 нафар** аёл замонавий дизайн йўналишида ўқитилди*



- *“**UZINFOCOM**” билан ҳамкорликда маҳаллий имо-ишора тилини аниқлайдиган сунъий интеллект платформаси учун **24 минг**та видео маълумотлар базаси шакллантирилди.*
Инклюзив рақамли диагностика платформаси синовдан ўтказилди
- *Буюк Британиянинг Шарқий Лондон университети билан ҳамкорликда марказнинг **3 нафар** ходими халқаро сертификат олди, **25 нафар** ходим учун махсус тренинглар ташкил этилди ҳамда махсус техникумларнинг **24 нафар** педагог ходими малака оширди*

“МАТОНАТ МАКТАБИ”

2025 йил давомида аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятга мослаштириш, ватанпарварлик ва матонат руҳида тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди

- **30 га** яқин мотивацион учрашув ва тарғибот тадбири орқали **8 минг** нафардан ортиқ ёшлар қамраб олиниб, ижтимоий эҳтиёжманд тоифалардан келиб чиқиб, муваффақиятга эришган шахслар, параспортчилар, тадбиркорлар ва жамоат арбоблари иштирокида ҳаётий тажриба ва қатъият мавзуларида очиқ мулоқотлар ўтказилди

- **“Агар...”** ва **“Мен уддаладим, Сизчи?!”** лойиҳалари доирасида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларда **“матонат”** ғоясини кенг тарғиб қилиш мақсадида турли йўналишларда жами **47 та мотивацион видеоконтентлар тайёрланиб**, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилди

Параспортчилар ҳаёти ва уларнинг матонати ҳақида икки карра Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндори Моҳигул Ҳамдамованинг ҳаёт йўли ва муваффақиятлари акс этган “Матонат” бадиий фильми суратга олинди



Илк бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида **“Паралимпиячилар матонати”** халқаро форуми ва унинг доирасида **“Адаптив спорт” фестивали ташкил этилди**. Унда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан **70 га** яқин экспертлар, мутахассислар, давлат ва жамоат вакиллари иштирок этди. Мазкур форум натижасида юртимизда параспорт турлари сони яна биттага ортиб, адаптив хоккей спорт тури фаолияти йўлга қўйилди

Республикадаги барча **“Мурувват”** ногиронлиги бўлган болалар интернат уйларида **“Unified”** инклюзив спорт ўйинлари ва **“Инсон учун”** футбол мусобақаси ташкил этилиб, уларда **240 нафар** ўқувчи ёшлар иштирок этди

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИ


2 йил давомида ижтимоий ҳимоя соҳасида **36 та** ахборот модулии ишга туширилиб, **60 та** хизмат рақамлаштирилди ва **51 турдаги** ижтимоий тўлов тўлиқ автоматлаштирилди

*Натижада **600 млн** АҚШ доллари иқтисод қилиниб, **35 та вазирлик** ва идоранинг **120 турдаги** маълумотлари ягона тизимга интеграция қилинди. Шунингдек, сунъий интеллект асосида ногиронликни баҳолаш, кейс-менежмент ва сурдо таржимон хизматлари жорий этилди*

ПОМ ва реабилитация техник воситаларини электрон ваучер асосида тақдим этиш тизими жорий қилиниши натижасида етказиб бериш муддати **2 ойдан 14 кунгача** қисқартирилди. Натижада **119 минг** нафар ногиронлиги бўлган шахс реабилитация воситалари билан таъминланди, **234 минг** нафарнинг бандлиги таъминланди ва **90 минг** нафар адаптив спортга жалб қилинди

Ногиронликни белгилаш тизими рақамлаштирилиши натижасида тиббий текширувлар сони **4 баробар** қисқартирилиб, **33 турдаги ҳужжат автоматик шакллантирилди. WHODAS** функционал баҳолаш тизими жорий қилиниши орқали бандлик, таълим, спорт ва реабилитация хизматларини автоматик белгилаш механизми йўлга қўйилди

“Ижтимоий реестр” тизимида оилалар **85 та** мезон асосида автоматик баҳоланиб, **117 турдаги** ижтимоий ёрдам ва хизматлар тайинланмоқда. Реестр орқали аризаларнинг **98 фоизи** онлайн қабул қилиниб, ҳар ойда **300 мингдан** ортиқ ариза қайта ишланмоқда



ТАДБИРЛАР

“INSON FAXRI” 2025 йил номинантлари

*2025 йилда илк бор **“Inson faxri”** миллий мукофоти билан фуқароларни тақдирлаш йўлга қўйилиб, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва фидойиликни тарғиб қилувчи доимий миллий платформага айланди. Мукофот доирасида инсонлар ҳаётини яхшилашга ҳисса қўшаётган **11 нафар** фидойи инсон ва жамоа тақдирланди.*



“Mehr yo‘li”

Бибисора Арипова



“Yil shifokori”

Бобур Тўраев



“Shaxsiy yutuq”

Моҳира Болтаева



“Jamiyat bilan bir yo‘lda”

Феруза Мадалиева



“Betakror rekord”

Шаҳина Йигиталиева



“Umr ishi”

Холбека Бобоқулова



“Chegarasiz yaxshilik”

Насимжон Комилов



“Birlik qudrati”

“28 ПЕТЕЛЬ” (28 илмоқ) клуби



“O‘lmas jasorat namunasi”

Абдуманноп Самиков



“Noyob iste’dod”

“TECNAS” IT-жамоаси



“Fidoyilik ramzi”

“ИМКОН” марказлари

“Inson uchun” фестивали


2024–2025 йилларда Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида анъанавий **“Inson uchun”** савдо-кўргазмалари ўтказилиб, улар ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини қўллаб-қувватлаш, инклюзив тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилди.

Кўргазмалар доирасида ижтимоий лойиҳалар, инклюзив бандлик ташаббуслари ва тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари намойиш этилди. Тадбир якунларига кўра, 2024 йилда **440 млрд** сўмлик, 2025 йилда эса **250 га** яқин тадбиркорлик субъектлари билан қарийб **550 млрд** сўмлик хўжалик шартномалари имзоланди. Шунингдек, панель сессиялар, очиқ мулоқотлар ва маданий чиқишлар орқали инклюзив жамият, инсон қадри ва тенг имкониятлар ғоялари кенг тарғиб қилинди.



“Энг фаол ижтимоий ходим” кўрик-танлови

“Энг фаол ижтимоий ходим” кўрик танлови ижтимоий ходимларнинг касбий маҳорати, ташаббускорлиги ва аҳоли билан ишлаш самарадорлигини баҳолашга қаратилган йиллик республика мусобақаси ҳисобланади.



2025 йилда танловда республика бўйича 6,3 минг нафар ижтимоий ходим иштирок этди. Бу 2024 йилда иштирок этган ижтимоий ходимлар сонига нисбатан 3,4 баравар кўпдир.

Танлов ижтимоий ходимлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, касбий маҳоратни ошириш ва энг яхши амалиётларни оммалаштиришга хизмат қилди.

Танлов ғолиблари раҳбарлик лавозимларига тайинланди, давлат мукофотлари билан тақдирланди ҳамда хорижий тажриба алмашиш дастурларига жалб этилди. Жумладан, 1-ўрин соҳиби Хайитова Шалола Исмоиловна Шаҳрисабз тумани ҳокимининг ўринбосари лавозимига тайинланди, 2-ўрин соҳиби Азимова Зарнигор Шухратовна “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.



100060, Ўзбекистон, Тошкент ш,
Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси,3 уй

+998 71 239 59 22

info@ihma.uz

www.ihma.uz



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI HUZURIDAGI
IJTIMOIY
HIMOYA
MILLIY
AGENTLIGI